

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи

Ж.Мийлиев

“01” июн 2018 йил

**Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси
бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

Мазкур Низом Самарқанд вилоят статистика бошқармаси Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Бўлим ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича фаолиятини Бошқарманинг таркибий бўлинмалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади, бир вақтнинг ўзида унинг фаолиятини кўмитанинг ташқи иқтисодий фаолият ва савдо бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

1. Кўйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳасида:

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ахборотларини Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

б) ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасида илмий асосланган методологияни жорий этиш соҳасида:

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ахборотларини шакллантириш бўйича қабул қилинган услубий ҳужжатларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш;

ҳудудий статистика органлари томонидан, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини таъминлаш;

ҳудудий статистика органлари ва бошқарманинг тармоқ бўлимлари билан ҳаморликда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологиясини ишлаб чиқиш юзасида бошқарма раҳбарияти орқали кўмигага таклиф киритиш.

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида:

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

2. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун кўйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш ва статистик маълумотларни нашр қилиш ишларини ташкил этади;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ҳудудий органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

ҳудудий статистика органларига, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ахборотларни шакллантиришда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма-ахборот ишлари бўлими билан ҳамкорликда маърузалар, статистик тўпламлар учун ҳамда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо соҳаси жараёнларини тавсифловчи бошқа статистик маълумотларни тайёрлайди;

ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича ахборотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

белгиланган тартибда Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

1. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

юридик ва жисмоний шахслардан ҳамда мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан белгиланган шаклларда ва муддатларда статистик маълумотларни сўраш ва олиш;

бошқарма раҳбарияти билан биргаликда Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг таркиби ва мазмунига оид таклифлар киритиш;

бошқарма тармоқ бўлимлари билан ҳамкорликда ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикасига оид ҳисоботлар шаклларини, танлама кузатув сўровномаларини, уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Бўлимнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма ва ташкилот вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича ишлар ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

2. Бўлим:

- ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, "Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Давлат статистика қўмитаси ва бошқарма раҳбарияти топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

1. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Қонуни, ушбу Низом, бошқарма бўйруқлари ва қарорлари, шунингдек, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури,

Самарқанд вилоят статистика бошқармасининг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, бўлим йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бўлим бошлиғи томонидан тузилиб бошқарма бошлиғининг I-ўринбосари билан келишилади ҳамда, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш бўйича Бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва бошқарма раҳбарияти топшириқларини электрон хужжат айланиши тизимида ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек Бўлим томонидан бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида Бошқарманинг ойлик бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатомаси орқали ташкил этилади.

2. Бўлимга вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлик раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

Бўлим бошлиғи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Белгиланган тартибда бошқарма раҳбарияти йиғилишларига қатнашади;

Ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига устамалар белгилаш. шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайитириш ёки бекор қилиш бўйича Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот. ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.